Муаллиф:
13.08.2013 08:40 -

(Манфаатли никох)

Манфаатли никохларнинг кўпинча охири вой бўлади: бир томоннинг иккинчи томонга хиёнат килиши ёки кўзланган бойликнинг кутилмаганда елга совурилиши ёки саратонда ёгган кордай мусибатлар хаммасини барбод килиб мухаббат моратини йикитади.
Аммо баъзан манфаатли никохлар хам яхши марраларга етиб бориши мумкин экан? Бунда томонларнинг тарбияли бўлиши, художўйлиги хам мухим ахамият касб этса керак; деб ўйлайман.
Буюк Британиянинг Бош Вазири Маргарет Тэтчернинг никохи аслида манфаатли никох эди, аммо ўзидан ўн ёш катта бўлган эри Дэннис Тэтчер билан ёмон яшамади. Маргарет кунлардар бир кун журналистларга интервью бераркан, бу никохни «хафталар; ойлар ва йиллар оралаб ўтган олтин ришта» деб атади.

МАРГАРЕТИНГ БОЛАЛИК ВА КИЗЛИК ЙИЛЛАРИ

Маргаретнинг кизлик фамилияси Робертс бўлиб, баколлик дўконининг сохиби Элфрид Роберт ва чевар-тикувчи Беатрис оиласида Линконшир графлигининг Грэнтем деган кичик бир шахрида 1925 йилда оламга келган эди. Маргарет тугилганда опаси Мюриал тўрт ёшда эди. Отаси асосан тижорат билан машгул бўлса-да, махаллий кенга ишларига хам фаол катнашар, шахар хокимининг ўринбосарларидан бири; кейинчалик шахар хокими бўлган эди.
Робертслар бокколия дўконининг иккинчи каватида жуда камтарона хаёт кечирардилар: хонадоннинг ваннаси, иссик суви йўк, хатто туалетлари хам ховлида эди.
—Бизга болаликдан художўйликка кандай ахамият берсак, озодаликка хам шундай ахамият беришимиз кераклиги сингдирилар эди, — деб хотирлайди Маргарет. — Мен уйимизнинг полини ялтирагунча тозалаб артар эдим. Хар гал бозор куни дадам, ойим — хаммамиз катъий тартиб билан махалла черковимиига ибодат килишга борардик… Отам хам, онам хам кичкиналигимиздан бошлаб инсонлик бурчигакаттик риоя килишни ўргатишарди. Черковга нисбатан, кўшниларга нисбатан; бурчдорлик туйгусини сингдиришар, онгли кадам босишимизга эътибор каратишарди. Кичкина бир шахарда камтарона уйда халол мехнат билан яшаганим; кейинчалик Бош Вазирликка сайланаётганимда галаба килишимга ёрдам берди.
Чиндан хам Маргеретнинг камтар-камсукум; иродали бўлиб тарбияланишида отасининг таъсири жуда катта бўлган эди? Маргарет отасининг айтганларига садокат билан; каттик риоя киларди? Отаси Маргаретнинг харажатлари учун хафтасига икки пенс (инглизларнинг энг майда пули) ажратарди, аммо Маргарет буни оз, демас, отасининг чизигида юрарди. Дўстларинг нима килса, эргашма, уларни ўзингга эргаштир, дерди отаси Элфрид. Ўкитувчиларининг хотирлашича; Маргарет намунали ўкувчи бўлган, уй

вазифаларини кунт билан адо этаркан. Инобатга олса бўладиган бир вокеа: Маргарет тўккиз яшарлигида бадиий ўкиш бўйича мусобакада ютиб чиккан эди. Ўкитувчилардан бири «бир омадинг клиб колди-да», деса, «Омад? Канака омад? Мен хакли равишда ютдим!» деган экан.
Отаси шахар хокими бўлгани учун унинг ошналари уларникида йигилишар ва дунё муаммолари хакида бахслашишар эди. Ўн ёшли Маргарет ўртоклари билан ўйнагани кетмай, сафдошларнинг бахсларини тинглаб ўтирар ва парламентга ўз номзодини кўяётган кишиларнинг турли хужжатларини тегишли жойларрга элтиб берарди. Улфатларнинг алокачиси бўлиб хизмат киларди. Мактабни битириш арафасида Магарет бир артистликка кизикди. Аммо отасининг назарида актёрлик енгилтак машгулот эди. «Келажагинг режасини тузаётганингда, канчалик огир бўлмасин, ўзингга муносиб тўгри йўлдан бошкасига алахсимаслик зарур экан», дейди кейинчалик Маргарет.
Маргарет Оксфорд ниверситетининг кимё куллиётини битказишга ахд килади. Аммо бунинг учун у лотин тилини ўрганиши керак эди. Отаси лотинчани ўрганишига зарур бўлган пулни беради? Маргарет лотинчадан хам аъло бахо олиб; Осфорд университетига киради. Бу — Элфриднинг кизига сўнгги ёрдами эди. Бундан бу ёгига Маргарет хаёт тўлкиннлари бўйлаб ўзи мустакил сузиб кетади. У йилларда университетга кизлар кўп хам киравермас эди.
Айникса; Маргаретлар оиласи мансуб бўлган камтар ижтимоий табакалардан хеч ким йўк эди. Маргарет талабалик йилларидан бошлаб у йилларда у кадар обрўйи бўлмаган Консерваторлар фиркасининг ишларида фаол катнаша бошлади.
1946 йилда Маргарет Робертс университетни битказади ва озик-овкат технологияси сохасида тадкикотчи-кимёгар бўлиб ишлай бошлади. Кейин Консерваторлар фиркаси Кент графлигидаги Дартфорд шахридан парламент сайловларига унинг номзодини илгари сурди. 1948 йилнинг бу окшоми Маргарет хаётида икки томондан жуда мухим бир кун бўлди. Сайловга унинг номзоди кўйилгандан кейин Дэннис Тэтчер деган бир бизнесмен ўз машинасида уни уйига кузатиб кўйди.

МАРГАРЕТНИНГ ОИЛАВИЙ ХАЁТИ

Маргарет ишбилармон бўлиб улгайгани учун; мухаббати кимиёси хам шунака бўлди. Бўй етиб келишган киз бўлганда хам у ўз ошикларининг кимлигига, уларнинг синфий даражаси ва бой-камбагаллигига караб муомала киларди. Энг олдин унга бир фермер — оддий кишлок йигити парвона бўлганди. У Маргаретга одам юборганда совчиларга йўлакдаёк жавоб тегди. Шухратпараст Маргарет келгусид кишлокда яшамокчи эмасди… Фермер йигит кейинрок унинг опаси Мюриалга уйланди.
Мактабни битириш арафасида Маргарет бир графнинг ўглини яхши кўриб колганди. Аммо йигитнинг онаси бунган, худди Маргаретнинг ўзидай каршилик кўрсатди. Бокколнинг кизи бокколга тегаверсин, у ўглимнинг тенги эмас, деб уни ўглига якинлаштирмади. Шунинг учун Маргарет университетга кирганда севги савдолари билан ўралашмай, ўзини бутунлай илм эгаллашга ва смёсий фаолиятга багишлаган эди. Йигит-кизлар билан кўпда якинлашмас, улар орасида битта хам якин дўсти йўк эди?

Бунинг устига моддий таъминоти хам ночор ахволда, факат стиепндияга яшар, хатто баъзида бир бурда нону битта тухум билан каноатланарди.
Университетни тугатиб, ишга келган жойида хам одамларга кўшилиб кетмади? Кимёгар-технолог бўлиб ишласа хам; хаёли бошка ёкда эди. Шунинг учун хамкасблари уни ёктиришмас, оркасидан Герцогиня Хоним деб аташарди. Консерваторлар фиркаси парламентга унинг номзодини кўйган ўша кутлуг куни Маргарет, Дэннис Тэтчер билан танишди. Дэннис ўзининг хашаматли «йўлбарс»ида Маргаретни кузатиб кўйди… Олдинига Дэннис унда у кадар яхши таассурот колдиргани йўк. Шундай бўлса хам йигитнинг хушомадларини кайтариб ташламади. Ичида: «У ахир турли бўёклар ва кимёвий махсулотлар ишлаб чикарса, мен кимёгар бўлсам, тагин менга нима керак?» деб ўйлади. Бунинг устига устак икковларининг сиёсий карашлари хам бир хил — икковлари хам Консерваторлар фиркасининг тарафдори эдилар. Дэннис икковларининг умумий манфаатлари уларни никох билан богланишга олиб келди – ўз интервьюларининг бирида Бош Вазир Тэтчер никохлари манфаат устида курилганини тан олганди. Маргарет факат бир нарсадан хижолат бўларди. Йўк, Дэнниснинг ўзидан ўн ёш катталигидан эмас… Маргарет, юкорида айтганимиздай, диний тарбия кўрган, уларнинг динида исломдаги каби кўш хотинлиликка йўл кўйилмас, Дэнниснинг эса хотини бор эди. Улар бекитикча никох шартномаси туздилар — буни Маргаретнинг ота-онасга ва бўлгувси фарзандларига билдирмадилар. Бу тарих анча кейин — Маргарет Тэтчер Бош Вазир бўлганидан сўнг очилди — журналистлар махфийлаштирилган хужжатларни кавлаштириб топдилар: Дэнниснинг илк хотинининг исми хам Маргарет экан. Уларнинг никохланиш тўйи 1951 йил 13 декабрда бўлиб ўтди. Маросимда куёвнинг онаси ва опаси катнашди. Улар Маргаретни рўдаподай узун кўк никох либосида кўриб, хафсалалари пир бўлди.
Модомики уйланаркан, бундан тузукрогини топса хам бўларди-ку, деб Дэннисга ачинишди. Аммо Дэннис хам, Маргарет хам бундай деб ўйлашмасди. Дэннис факат ишхона ишларини катта йўлга олиб чикишни эмас, оилани бошкаришни хам хотини зиммасига юклади. Маргарет эса, хаётининг мазмуни бўлган сиёсатга берилиш учун оёк остидаги заминини мустахкамлаб олди. Дэннис Маргаретни «хўжайин», «бошлик» деб чакирар, ўзини унга карам килиб кўрсатиб, ўзи емалол ялло килиб юрарди. У хотинига ўхшаган одамови эмас, киришимли ва дилкаш эди. Факат бир томони катта муаммо эди — у ичкиликни яхши кўрарди, хатто, тантанали йигинларда хам каттик ичиб олиб, кайфи ошиб колар, хамма нарсани миридан сиригача билишни истайдиган хира-хандон журналистлар уни шу ахволда суратга олиб, матбуот оркали хамма ёкка кўз-кўз килишгани Маргаретни жуда безовта килар эди. Шунинг учун Маргарет эридан журналистларга интервью бермасликни талаб килар, журналистлар эса, аксига олиб уни яхши кўришарди. Хатто у хакда хажвий пьеса хам ёзгандилар.
Комедиянинг мазмуни эса мана бундай эди: Тэтчер баъзи бир пайтлар кабинет мажлисини ўзининг шахар ташкарисидаги резиденциясида ўтказаркан. Катта хоналарнинг бирида Буюк Британиянинг энг катта амалдорлари йигилишиб, йирик умуминсоний масалалрни мухокама килишаётган бир пайтда катта деразадан Дэнниснинг бегам-бепарво гольф ўйнаётгани кўриниб турарди. Хатто Маргаретни тўлгок тутганда хам Дэннис ўзини кўрстаган эди. Тўлгок мўлжалдан етти хафта бурун тутган, бу пайтда бепарво Дэннис крикет бўйича чемпионатда юрган эди. Бечора Маргарет бир ўзи амаллаб тугрукхонага етиб олган ва эгиз — бир киз, бир ўгил туккан эди. Ўгилни Марк деб, кизни Кэролл деб атадилар. Киз улгайганда эрга тегиб,

Австралияга, ўгил уйланиб Америкага кетдилар.

МАРГАРЕТ ТЭТЧЕР — СИЁСИЙ РАХБАР

(Ташки ва ички фаолиятига оид айрим чизгилар)

Хукмдорлар хокимият тепасига гуруллаб келадилар, аммо кетишди… кетиш уларинг ихтиёрида белмайди: ё шафкатсиз ўлим уларни ўз комига тортади, ё вакти соатлари келиб, тахтдан кулашга мажбур бўладилар. Шундайлиги билсалар хам, улар яна бир кун бўлса-да, тахтда ўтиргилари келади. «Мансабнинг нони ширин!» деган эди бир вакт бир хоким.
Буюк Британиянинг Бош Вазири Маргарет Тэтчер 1979,. 1983 ва 1987 йилги сайловларда галаба козониб, бу лавозимда 1979 йилдан 1990 йилнинг охиригача ишлади. Бу постда шунчалик узок ишлаш асрлар давомида хеч кимга насиб этмаган эди. Факат Ливерпул графигина бу вазифада Тэтчердан ортикрок хизмат килган, яъни 1812 йилдан 1827 йилгача Бош Вазир бўлган эди. Маргарет Тэтчерга иккинчи ўринни эгаллашдай шараф насиб этган бўлса хам, хали истеъфога чиккиси йўк эди. Аммо Консерваторлар партияси етакчиликни Тони Блейрга топширгандан кейин, Тэтчер истеъфога чикди.

Миразиз АЪЗАМ